



ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a1](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a1)

Абдувоҳидов Ақмал Абдулазизович -

Гулистан давлат университети  
Иқтисодиёт кафедраси доценти

Маткулиева Санобар Исмоиловна -

Урганч давлат университети Бухгалтерия ҳисоби  
ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси

Тошбоев Бекзод Бахтиёрович -

Гулистан давлат университети  
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Жаҳонда кучайиб бораётган глобал рақобатга жавобан миллий иқтисодиётдаги импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариши ривожлантириш тадқиқига ўйналтирилган илмий изланишлар ўз аҳамиятини намоён этмоқда. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариши модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида маҳаллийлаштириш дастурларини самарали амалга ошириш, импорт жараёниларни тартибга солиш орқали асосий макроиқтисодий нисбатлар ва мувозанатни таъминлаш, "яшил технологиялар"ни изчил жорий қилиш ва иқлим ўзгаришиларига қарши қурашиб орқали миллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариши ривожлантиришада рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш каби масалаларни тадқиқ этиши бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

**Асосий тушунчалар:** миллий иқтисодиёт, жаҳон хўжалиги, глобал рақобатбардошлиқ, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш, саноатлаштириш, саноат сиёсати, импорт ўрнини босувчи лойиҳа, самарадорлик кўрсаткичлари, иқтисодиётни модернизациялаш.

ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЕКТОВ ИМПОРТОЗАМЕЩЕНИЯ

Абдуваҳидов Ақмаль Абдулазизович -

доцент кафедры "Экономика"

Гулистанская государственная университет, старший

преподаватель кафедры "Бухгалтерский учет и аудит",

Маткулиева Санобар Исмаиловна -

Ургенчский государственный университет старший

преподаватель кафедры "Бухгалтерский учет и аудит",

Тошбоев Бекзод Бахтиярович -

преподаватель кафедры "Экономика",

Гулистанская государственная университет

**Аннотация.** В ответ на растущую глобальную конкуренцию в мире научные исследования, направленные на изучение развития импортозамещающего производства в национальной экономике, демонстрируют свою значимость. Модернизация и диверсификация импортозамещающего производства, эффективная реализация программ локализации в ведущих отраслях экономики, обеспечение основных макроэкономических пропорций и баланса за счет регулирования процессов импорта, обеспечение конкурентоспособности национального производства за счет последовательного внедрения «зеленых технологий» и борьбы с изменением климата, исследования таких вопросов, как цифровая экономика и эффективное использование инновационных технологий в развитии импортозамещающего производства, являются приоритетными направлениями научных исследований в этой области.

**Ключевые слова:** национальная экономика, мировая экономика, глобальная конкурентоспособность, импортозамещающее производство, индустриализация, промышленная политика, импортозамещающее проект, показатели эффективности, модернизация экономики.

ASSESSMENT OF THE ECONOMIC EFFICIENCY OF IMPORT SUBSTITUTION PROJECTS

Abduvakhidov Akmal Abdulazizovich -

Associate Professor of the Department of Economics Gulistan State University,

Matkulieva Sanobar Ismailovna -

Urgench State University senior lecturer of the department "Accounting and audit",

Toshboev Bekzod Bakhtiyorovich -

Lecturer of the Department of Economics, Gulistan State University

**Annotation.** In response to the growing global competition in the world, scientific research aimed at studying the development of import-substituting production in the national economy is demonstrating its importance. Modernization and diversification of import-substituting production, effective implementation of localization programs in leading sectors of the economy, ensuring the main macroeconomic proportions and balance by regulating import processes, ensuring the competitiveness of national production through the consistent introduction of "green technologies" and combating climate change, research on issues such as the digital economy and the effective use of innovative technologies in the development of import-substituting production, They are the priority areas of scientific research in this area.

**Keywords:** national economy, world economy, global competitiveness, import-substituting production, industrialization, industrial policy, import-substituting project, performance indicators, modernization of the economy.

**Кириш.** Мамлакатимиз шароитида иқтисодиётнинг саноат секторини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олувчи импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга асосланган иқтисодий ўсиш турларининг комбинацияси энг мақбул ҳисобланади. Россиялик тадқиқотчилар С.Г.Азикова, Г.А.Бобков, Х.Х. Сохроковларнинг тадқиқот натижаларига кўра, ривожланган мамлакатларда аграр соҳа маҳсулотларининг 1 % қўшимча ўшиши саноат инфратузилмаси тармоқлари маҳсулотларининг 2,5 %га, қайта ишловчи тармоқлар маҳсулотларининг 1,4 %, транспорт хизматларининг 0,33 %, савдо ҳажмининг эса 2,7 %га ўшишига олиб келиши аниқланган [1].

Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёsat самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ти[2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сонли “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёsatини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3] фармонларида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишнинг бирдан-бир йўли миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида маҳсулот таннархини пасайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, табиий ресурслар ва меҳнат ресурсларининг миллий хўжаликка жалб қилинганлиги бўйича мамлакатимиз мавжуд иқтисодий ресурсларни ўзлаштиришнинг бирламчи минтақасига киритилиши боис саноат секторида экстенсив ривожланиш йўлидан фойдаланиш фикримизнинг тасдиғи ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражаси мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳисобига саноат ишлаб чиқаришининг ўсишини таъминлаш борасида захиралар жуда катта эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида: “Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади нафақат ушбу иқтисодиёт секторида ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда

мамлакат саноати рақобатдошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуасини шакллантиришдан иборат. Стратегик йўналиш саноатнинг экспортга йўналтирилган таркибини вужудга келтириш ва экспортда хомашёга нисбатан чукур қайта ишланган маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобланади”, – деб таъкидлаб ўтади[4]. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мазкур мақолада импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга асосланган лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш масалаларига алоҳида урғу берилади.

**Адабиётлар таҳлили.** А.Льюис томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ўсишнинг икки секторли моделида аҳолиси кўп бўлган давлатлар учун қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришнинг назарий асослари яққол ўз аксими топган. А.Льюис модели ишчи кучи захирасини иқтисодий ўсишнинг асоси сифатида қараб чиқади. А.Льюиснинг икки секторли модели ишчи кучининг бир қисмини қишлоқ хўжалигидан саноатга қайта тақсимлашни ва шу тариқа иқтисодий ўсишни тезлаштиришни кўзда тутади. Мазкур моделга кўра, саноатда иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг манбаи қўшимча ишчи кучи ҳисобланади, яъни ушбу ҳолатда иқтисодий ўсишнинг экстенсив типи назарда тутилади. А.Льюис моделига мувофиқ, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг асосий манбаи меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади, яъни бу ўринда, асосан, интенсив иқтисодий ўсиш ҳақида гап боради. Ушбу модель дунёning бир қатор мамлакатларида уларнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда моҳирлик билан қўлланилган [5].

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, Лотин Америкаси мамлакатларида импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсиш стратегияси Р.Пребиш ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган концепция асосида амалга оширилган. Ушбу концепцияга кўра, ривожланаётган мамлакатларнинг хомашё сектори маҳсулотларига бўлган талаб даромад бўйича эгилувчанликнинг паст даражасига эга бўлгани ҳолда, айни пайтда ривожланган мамлакатларда саноат товарлари талаб юқори даражада эгилувчанлиги билан тавсифланади. Айнан шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар муқаррар равища алмашинув шароитларининг ёмонлашувига дуч келиши мумкин [6].

Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш жараёнида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини жадаллаштириш соҳасига ахборот технологияларини жорий қилиш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг имкониятларини оширишга қаратилган муҳим қадам саналади. Бунда асосий эътиборни маълум бир дав-

лат бошқаруви идораси ёки корпоратив тузилмаларнинг алоҳида сифатларини оширишга эмас, балки рақобатчи давлатларнинг илмий-техник ишланмаларидан асимметрик тарзда ўзиб кетиш имконини берувчи "ёриб ўтувчи" лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [7].

Ўсиш захираларини аниқлаш борасида Р.Хаусманн, Д.Родрик ва А.Веласко [8] томонидан муқобил ёндашув таклиф этилган. Улар томонидан таклиф этилувчи усул ўсиш диагностикаси деб номланади, мазкур усулнинг моҳияти иқтисодий ривожланишдаги асосий тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Айнан мана шундай ҳолатда, уларнинг фикрича, саноатлаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар катта самара беради.

Р.Хаусманн, Б.Клинджер ва бошқалар экспортга йўналтирилган ривожланиш шароитида саноатлаштиришга ёндашишни таклиф қилишди [9]. Улар мамлакат экспорт тузилишининг мураккаблиги эволюциясини ўрганиш асносида товарлар маконида "қўшни" товарларга қанчалик кўп эътибор қаратилса, ривожланишга эришиш шунчалик енгил кўчади, деган холосага келадилар.

Мамлакатимиз саноатида импорт ўрнини босувчи маҳаллий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган сиёsatнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, энг аввало, саноат тармоқларини модернизациялаш тавсифига эга бўлган, саноат салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи жорий ва стратегик вазифаларни изчил амалга ошириш орқали мамлакат саноатини модернизациялаш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан риқожлантириш устуворликларни кўрсатиб берувчи ташкилий-иқтисодий механизmlар ва воситаларни яратиш талаб этилади. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва ташкилий-иқтисодий механизmlар, биринчи навбатда, саноат тармоқларида юқори қўшилган қиймат занжирининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жа раёнида статистик ва эконометрик таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, таснифлаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, таққослама таҳлил ва ўзаро қиёслаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил натижалар муҳокамаси.** Импорт ўрнини босиши импорт қилинувчи товарларни миллий ишлаб чиқариш товарлари билан алмаштириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчini ҳимоя қилишга қаратилган давлатнинг иқтисодий стратегияси ва саноат сиёsatининг бир турини ифода этади. Импорт ўрнини босиши натижаси ишлаб чиқаришни технологик модерни-

зациялашни рағбатлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва нисбатан юқори қўшимча қийматга эга бўлган янги рақобатбардош маҳсулот турларини ўзлаштириш орқали маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Импорт ўрнини босиши стратегияси бутун ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, корхоналарда қўлланиладиган технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришга таяниши лозим. Дунёда рақобатнинг тобора шиддатли тус олиши Ўзбекистон иқтисодиётida юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни яратиш борасида тугалланган ишлаб чиқариш ва технологик занжиirlарни шакллантириш орқали импорт ўрнини босиши стратегиясини амалга ошириш масаласини кун тартибида дол зарб қилиб қўяди. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш стратегияси маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан муҳим ва айни чафда мураккаб вазифа сифатида тан олинади. Бир томондан, UNCTADнинг "Савдо ва ривожланиш тўғрисида"ти маъruzасида таъкидланганидек, ривожланишнинг хомашё экспортига асосланган модели, агар у импорт ўрнини босувчи саноатлаштиришни амалга оширмаса, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва технологик суворенитетига таҳдид солади [10]. Шунинг учун импорт ўрнини босиши ўхшаш импорт товарларни аста-секин сиқиб чиқарадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ички иқтисодиётда модернизация ўзгаришларини фаоллаштиришнинг объектив зарурлигини англатади. Бошқа томондан, "замонавий иқтисодиёт" биргина ўз ресурсларига таянган ва бутунлай импортдан воз кечган ҳолда самарали ривожла на олмаслигини кўрсатади.

Мазкур тадқиқот ишида импорт ўрнини босиши сиёsatининг самарадорлиги синтетик категория сифатида тушунилади, импорт қилинадиган товарларни миллий, нарх ва сифат жиҳатидан рақобатбардош билан оқилона алмаштириш орқали эришилган миллий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан уч даражада кўриб чиқилади:

– микродаражада – алоҳида саноат корхонасида импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан;

– мезодаражада – ҳудуднинг тақрор ишлаб чиқариш тизими траекторияси, тузилмаси ва кўрсаткичларини ўзгарттириш, якуний маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ даври билан саноатда технологик занжиirlарни шакллантириш нуқтаи назаридан;

– макродаражада – миллий хавфсизлик даражасини ошириш, маҳаллий саноатнинг рақо-

## MAKROIQTISODIY SIYOSAT

батбардошлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш.

Микродаражада импорт ўрнини босиш соҳасида инновацияларнинг мавжуд эмаслиги, агар у аллақачон фаолият юритаётган ёки ушбу моделга ўтишга қодир бўлган тармоқ ёки фао-

лият соҳасига тегишли бўлса, корхона рақобат-бардошлигининг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Бу, шубҳасиз, эртами-кечми ушбу корхонанинг бозордан чиқиб кетишига олиб келади.

### 1-жадвал

#### **Импорт ўрнини босувчи сиёсатни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш услубияти
<b>Микродаражада</b>	
Ишлаб чиқаришнинг импортга қарамагининг натурал коэффициенти	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган импорт қилинувчи деталлар(хомашё турлари)нинг умумий деталлар (хомашё турлари) сонидаги улуши
Қиймат кўринишидаги ишлаб чиқаришнинг импортга боғлиқлик коэффициенти	Импорт қилинган деталлар (хомашё) умумий қийматининг маҳсулотнинг ҳисоб таннархини ташкил этувчи барча қисмлар(хомашё)нинг умумий қийматига нисбати
Натурал кўринишида импортни қоплашнинг амалдаги коэффициенти	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган маҳаллий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) сонининг импорт қилинувчи деталлар (хомашё ва материаллар турлари)га нисбати
Қиймат кўринишида импортни қоплашнинг амалдаги коэффициенти	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган маҳаллий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) ва импорт қилинувчи деталлар (хомашё ва материаллар турлари) қийматининг нисбати
Амалда импортни қоплашнинг потенциал коэффициенти	Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда алмаштирилиши мумкин бўлган маҳаллий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) ва импорт қилинувчи деталлар (хомашё ва материаллар турлари) сонининг нисбати
Импортни қоплашнинг қиймат кўринишидаги потенциал коэффициенти	Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда алмаштирилиши мумкин бўлган маҳаллий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) ва импорт қилинувчи деталлар (хомашё ва материаллар турлари) қийматининг нисбати
Импорт ўрнини босишнинг натурал коэффициенти	Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган маҳаллий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) сони ва умумий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) сони нисбати
Импорт ўрнини босишнинг қиймат коэффициенти	Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган маҳаллий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) қиймати ва умумий деталлар (хомашё ва материаллар турлари) қиймати нисбати
<b>Мезо ва макродаражада</b>	
Импорт юкламаси коэффициенти	Ушбу турдаги саноат маҳсулотлари импорти ҳажми ва ЯИМ қийматининг нисбати
Импорт устуворлиги коэффициенти	Ушбу турдаги саноат маҳсулотлари импортининг ўзгариш суръати ва мазкур турдаги саноат маҳсулотлари экспортининг ўзгариш суръати
Импорт ўрнини босиш коэффициенти	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиувчи маҳаллий (мехнат, молиявий, моддий-техник) ресурслар ва умумий ресурслар қиймати нисбати
Ташқи савдонинг нарх устунлиги коэффициенти	Ушбу турдаги саноат маҳсулоти учун экспорт ва импорт нархларининг нисбати
Саноат ишлаб чиқариш қиймати индекси	Жорий йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари қиймати ва базис йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари қийматининг нисбати
Саноат ишлаб чиқариш натурал индекси	Жорий йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари миқдори ва базис йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари миқдорининг нисбати
Инвестиция индекси	Жорий йилда корхона ва ташкилотларнинг асосий фондларига инвестициялар ҳажми ва базис йилда корхона ва ташкилотларнинг асосий фондларига инвестициялар ҳажмининг нисбати
Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми	Жорий йилда ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажмининг ва базис йилда ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажмига нисбати
Таҳлил даврида импорт ўрнини босувчи маҳсулот турларини ривожлантириш борасида давлат томонидан қўллаб-куватлаш чоратадбирларини олган корхоналарнинг инвестициялари ҳажми	Таҳлил даврида импорт ўрнини босувчи маҳсулот турларини ривожлантириш бўйича давлат томонидан қўллаб-куватланган чоратадбирларни олган корхоналар инвестициялари ҳажми ва корхоналарнинг асосий фондларига инвестициялар умумий ҳажмининг нисбати
Ихтисослашув коэффициенти	Товарларнинг алоҳида гуруҳлари (етакчилар) экспорти ҳажми ва товарлар экспортининг умумий ҳажмининг нисбати
Импортга қарамлик коэффициенти	Товарларнинг алоҳида гуруҳлари (етакчилар) импорти ҳажми ва товарлар импорти умумий ҳажмининг нисбати

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Мезодаражада импорт ўрнини босувчи тармоқларнинг паст улуши охир-оқибат ўсиш суръатларининг пасайиши, минтақа саноатининг турғунлигига олиб келади, бу, ўз навбатида, худудга катта инвестициялар оқимини йўналтиришни, худуд иқтисодиёти тузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиши талаб қилади. Макродаражада импорт ўрнини босиш соҳасидағи инновацион фаолликнинг пасайиши миллий рақобатбардошлик ва хавфсизликнинг пасайишига олиб келади (айниқса, ташқи хатарларнинг кучайиб бориши шароитида). Миллий иқтисодиёт даражасида салбий оқибатларни бартараф этиш учун катта саъй-ҳаракат ва харатжатлар талаб қилинади.

Импорт ўрнини босишига асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш борасида амалга оширилган илмий изланишларни тизимлаштирган ҳолда даражалар бўйича импорт ўрнини босиши самарадорлигини баҳолашнинг куйидаги мезонларини таклиф қиласиз (1-жадвал):

Услубий жиҳатдан шуни айтиш мумкинки, тақдим этилган воситалар саноатда импорт ўрнини босиш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллаб-кувватлаш борасида етарлича самарали восита ҳисобланади (1-расм).

Саноат ишлаб чиқаришида импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш

Импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналарни самарадорлиги бўйича тартиблаш

Функционал таҳлил асосида саноат ишлаб чиқаришида хомашё ва бутловчи қисмларни маҳаллийсига алмаштириш захираларини аниқлаштириш

Импорт ўрнини босувчи лойиҳани амалга оширишнинг мамлакат (худуд) учун самарали эканлигини баҳолаш

Импорт ўрнини босувчи лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги борасида қарор қабул қилиш, мақсадга мувофиқ деб топилган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш борасида тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

### **1-расм. Саноатда импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида ҳаракатлар кетма-кетлиги**

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Ўзбекистон иқтисодиёти кўплаб соҳаларда, айниқса, унинг юқори технологияли сектори импортгга жуда ҳам боғлиқ.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ижобий натижаларга қарамай, ишлаб чиқарувчиларнинг қарийб 67 фоизи импорт қилинувчи хомашёга, 78 фоизи эса импорт қилинадиган ускуналарга қарам бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, озиқ-овқат, курилиш материаллари, кимё саноатида, тўқимачилик, металургия соҳасида маҳаллий маҳсулотлар фойдасига импортдан воз кечилмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги даражасини оширишга қаратилган вазифаларнинг устуворлиги маҳаллий саноатда, шу жум-

ладан, турдош ва йўлдош тармоқлар фаолиятида импорт ўрнини босиши зарурлигини белгилайди. Шу муносабат билан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ва технологик қиймат занжирларига оқилона интеграцияси, ушбу занжирлардаги боғланишлар сонини кўпайтириш ёки камайтиришнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқариш ва технологик занжир – “ўзаро боғлиқ технологик қайта тақсимлашни ифода этувчи маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш, инновациян, ташкилий, иқтисодий, бошқарув муносабатлари тизими”ни ифода этади.

2-жадвал

**Ўзбекистонда 2019-2021 йиллар ва 2022 йилнинг 9 ойи учун юқори коэффициентли товар концентрацияси билан импорт қилинган товарлар (млн. доллар)**

№	Товарлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 йилнинг 9 ойи
1.	Портландцемент, цемент ва шу кабилар	160	129,5	126,8	137,3
2.	Янги пневматик резинали шиналар ва покришкалар	200	201,6	189,1	166,1
3.	Ҳаво ёки вакуум насослари, ҳаво ёки газ компрессорлари ва вентиляторлар; фильтрли ёки фильтрсиз вентиляция ёки рециркуляцион витяжка; қоппоқли ёки вентиляторли шкафлар	276	258,4	215,2	234,5
4.	Музлаткичлар, музлаткичлар ва бошқа музлатиш ёки музлатиш ускуналари, электр ёки бошқа турдагилар; иссиқлик насослари, кондиционерга тегишли бўлмаган қурилмалар (8415 группасидан ташқари)	150	108,9	137,3	105,7
5.	Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, тархлагичлар, скреперлар, механикавий белкураклар, экскаваторлар, битта ковшли юклагичлар, шиббалаш машиналари ва ўзиорар йўл катоклари	397	237,6	233,1	186,8
6.	Тўқимачилик толаларини тайёрлаш учун машиналар; тўқимачилик калавасини ясаш учун тўқиши, эшиш ёки чириш машиналари ва бошқа жиҳозлар	283	185,1	167,2	213,5
7.	Ҳисоб-китоб машиналари ва мосламалари, кодлаштирилган маълумотларни кўчиришга хизмат қиласидиган ускуналар, магнит ва оптик ўқиш мосламалари	166	143,9	214,9	254,3
8.	Электрик телефон, телеграф, шу жумладан, симли ва симсиз аппаратлар, видеофонлар	270	376,2	564,2	567,7
9.	Тракторлар (8709 товар позициясидан ташқари тракторлар)	243	96,9	147,9	194,8
10.	Одамлар ташиб учун мўлжалланган енгил автомобиллар (8702 группасидан ташқари), шу жумладан, юк-пассажир автомобиллари, фургонлар ва тезюорар автомобиллар	553	498,0	640,1	675,8
11.	Моторли транспорт воситаларининг қисмлари ва анжомлари	943	977,6	1 065,5	978,1
12.	Газ, суюқлик ёки электр энергиясини етказиб бериш ёки ишлаб чиқариш учун ҳисоблагичлар, шу жумладан, ўлчаш мосламалари	132	124,1	147,0	59

**Манба:** 2022 йилнинг 9 ойи учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси.

3-жадвал

**Ўзбекистонда 2019-2021 йиллар ва 2022 йилнинг 9 ойи учун юқори коэффициентли товар концентрацияси билан экспорт қилинган товарлар (млн. доллар)**

№	Товарлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 йилнинг 9 ойи
1.	Куритилган дуккакли сабзавотлар, шеллед ҳолидагилари, уруғ пўсти арчиб тозаланган ёки тозаланмаган, янчилган ёки янчилмаган	184	197,7	192,9	104,4
2.	Нефть газлари ва газсимон бошқа углеводородлар	2261	487,6	720,4	784
3.	Бирламчи шакллардаги этилен полимерлари	373	265,1	313,0	210
4.	Минерал ёки кимёвий, азот ўғитлар	94	101,1	281,3	193,1
5.	Чакана савдода сотиш учун қадоқланмаган, таркибида 85 % ёки ундан кўп пахта толасини ўз ичига олган пахтали ип калаваси (тикув ипларидан ташқари)	925	935,4	1 604,6	1142
6.	Пахта толасидан матолар, қадоқланмаган, таркибида 85 % ёки ундан кўп пахта толасини ўз ичига олган, қалинлиги 200 г/м	63	87,5	110,8	95,6
7.	Майкалар, узун ёқали фуфайкалар ва бошқа баданга кийиладиган фуфайкалар, трикотаж, машина ёки кўлда тўқилган	113	165,2	184,0	191,1
8.	Мис қувурлар ва қувурлар	43	46,5	109,9	115
9.	Электр трансформаторлар, статик электр ўзгартгичлар (масалан, тўғриловчилар), индуктивлик ғалтаклари ва дросселлар	25	19,4	31,2	25
10.	Учқунли ички ёнув двигателлари, айланиш ёки ўзаро айланиш ҳаракати билан	0	0	0	114,2
11.	Уяли алоқа тармоқлари ёки бошқа симсиз алоқа тармоқлари учун смартфонлар ва бошқа телефон аппаратлари	0	28,3	98,5	260,1
12.	Мис сими	96	83,0	262,5	205,3

**Манба:** 2022 йилнинг 9 ойи учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси

Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил қилишнинг аҳамияти юқори бўлишига қарамай, ишлаб чиқариш ва технологик занжирнинг айрим бўғинларида импорт қилинувчи ресурс ва технологияларни маҳаллийси билан алмаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан унинг самарадорлигини баҳолаш муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Одатда, импорт ўрнини босиш самарадорлиги лойиҳани бошқаришнинг анъанавий ёндашувлари доирасида ёки компания активлари қийматининг ўзгариши асосида ёхуд ривожланиш мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан баҳоланади.

Шу билан бирга, бир қатор тадқиқотчилар импорт ўрнини босиш лойиҳаларини нафақат белгиланган мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан, балки компания активларини инновацион маҳсулотга айлантириш учун модернизация жараёнларига самарали жалб қилишни таъминлаш нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, амалий нуқтаи назардан, бу алмаштириш тизимили тасифга эга эмас ва кўрилган чора-тадбирлар мақсадли бўлиб, бу, асосан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг хориждан таъминотга доимий қарамлигининг сабабидир. Аниқланган муаммоларнинг долзарблиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг мақсадини белгилаб беради, хусусан, бунда миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва технологик занжирларда импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ишлаб чиқариш ва технологик занжирнинг турли бўғинларида импорт ўрнини босиш лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш янги кейнчилик мактаби вакилларининг ғояларига асосланади, унга кўра импорт ўрнини босиш миллий хўжаликни жаҳон тизимига интеграциялашув орқали ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ривожланиш модели сифатида талқин қилинади. Айни чоғда импорт ўрнини босиш масалалари ёриб ўтувчи ёки инкрементал инновацияларни амалга оширишда ифодаланувчи маҳаллий ишлаб чиқаришни модернизация қилиш масалалари билан биргалиқда кўриб чиқиласди. Ушбу ёндашув ресурслар ва технологияларни импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлигини:

– бошқарувнинг турли даражаларида намоён бўладиган ва ишлаб чиқариш ва технологик занжирга жалб қилинган компанияларнинг модернизация салоҳиятини ўзгартиришда ҳам, минтақа ва мамлакат иқтисодиётига ташқи таъ-

сирларнинг таъсирида ифодаланувчи импорт ўрнини босиш самараси;

– модернизация жараёнларининг издан чиқиши ва тўхтаб қолиш эҳтимоли, шунингдек, ўзаро боғлиқ тармоқларнинг технологик тузилмаларида тўлик ёки қисман номувофиқлик натижасида юзага келган ишлаб чиқариш ва технологик занжирларнинг узилиши ёки сезиларли ўзгариши билан ифодаланувчи импорт ўрнини босувчи хатарларнинг пайдо бўлиши нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга имкон беради.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатларда ишлаб чиқариш ва технологик занжирларда импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашнинг аҳамияти, импорт ўрнини босиш сиёсати тактик ва стратегик жиҳатдан жадал ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида ҳокимият саъй-ҳаракатларининг иқтисодиётнинг ички (эндоген) салоҳиятидан тўлик фойдаланишни таъминлашга қодир бўлган тармоқларини модернизация қилишга қаратилганлиги билан изоҳланади. Шундай қилиб, тадқиқот ишидаги ёндашувнинг илмий янгилиги шундаки, ишлаб чиқилаётган баҳолаш воситалари импорт ўрнини босиш жараёнларини ташқи ва ички бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифалари билан биргалиқда ўрганишни назарда тутади. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва технологик занжирларни ташкил этувчи компанияларнинг иқтисодий ресурсларини уларни модернизация қилиш йўналишида мақсадли интеграциялашувини таъминлаш имконини беради. Модернизацион ўзгартириш орқали миллий иқтисодиётнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси асосида, шунингдек, барқарор ривожланиш ғояларига мувофиқ, ишлаб чиқариш ва технологик занжирларда иштирок этувчи корхоналар даражасида, макро ва мезодаражадаги модернизация жараёнларининг турли кўринишлари билан боғлиқ импорт ўрнини босувчи таъсирларнинг кўйидаги гуруҳларини ажратиш мумкин: иқтисодий, ижтимоий, экологик (4-жадвал).

Иқтисодий самара импорт қилинувчи ресурс ёки технологияларни маҳаллий ресурс ва технологияларга алмаштиришда хўжалик юритувчи субъект ёки юқори даражадаги иқтисодий тизимнинг модернизация салоҳияти кўрсаткичларини яхшилашда ифодаланиши мумкин. Импорт ўрнини босишнинг ижтимоий таъсири аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг яхшилаши, корхона ёки минтақа меҳнат салоҳиятининг сифат хусусиятларини ўзгартириш билан боғлиқ ижтимоий натижаларни олишда намоён бўлади. Экологик таъсирга атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси кўрсаткичларнинг ўзгариши киради.

**Импорт ўрнини босиш самарасини баҳолаш кўрсаткичлари**

Самара турлари	Кўрсаткичлар
Иқтисодий	Модернизация қилинган технология ва ускуналарнинг уларнинг умумий сонидаги улуши
	Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида инновацион ва юқори технологияли маҳсулотларнинг улуши
	Солиқ ажратмаларининг умумий ҳажмида турли даражадаги бюджетларга импорт ўрнини босиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича солиқ тушумларнинг улуши
Ижтимоий	Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида инновацион технологиялар ва уларнинг умумий ҳажмидағи улуши
	Юқори технологияли ишлаб чиқаришда банд бўлган корхона ходимлари(аҳоли)нинг улуши
	Ички бозорда маҳаллий маҳсулотларнинг улуши
Экологик	Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун жалб қилинган меҳнат муҳожирларининг иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонидаги улуши
	Энергия тежовчи ва атроф-муҳитни ифлослантирумайдиган технологияларнинг умумий технологиялардаги улуши даражаси
	Компания фаолият кўрсаткичларининг экологик меъёrlарга мувофиқлиги

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Импорт ўрнини босиш самарасини аниқлаш кўрсаткичлари З-жадвалда келтириб ўтилган. Импорт ўрнини босиш самарасининг агрегатлашган қийматини аниқлаш учун уларнинг ўсиши иқтисодий тизим ҳолатининг яхшиланишини тавсифловчи бир томонлама нисбий қийматлардан фойдаланиш таклиф этилади, бу қийматлар таъсир самарасининг “кенглиги”ни эмас, балки уларнинг шиддатини тавсифлашга имкон беради.

Импорт ўрнини босиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи хатарлар (рисклар) худди импорт ўрнини босиш самарасида бўлгани каби: иқтисодий, ижтимоий ва экологик гуруҳларга бўйинади.

Хусусан, импорт ўрнини босишнинг иқтисодий хатарлари қўйидаги таҳдидлар мавжудлиги сабабли ишлаб чиқариш ва технологик занжирнинг издан чиқиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлади:

- импорт ўрнини босувчи компонентларни етказиб бериш вақти ва ҳажми борасида белгиланган меъёrlарга амал қилмаслик;

- импорт ўрнини босувчи ўхшаш хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқаларнинг мавжуд ишлаб чиқариш технологияларига тўғри келмаслиги;

- ишлаб чиқаришни техник ва технологик тайёрлашни амалга ошириш учун инвестиция ресурсларининг етишмаслиги;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг амалдаги истеъмол тавсифларига мос келмаслиги ва ҳоказо.

Импорт ўрнини босишнинг ижтимоий хатарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга (шу жумладан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган) истеъмол нархлари даражасининг ўсиши; малакаси паст ишчиларни ишдан бўшатиш натижасида ишсизлик даражасининг ошишида намоён бўлиши мумкин. Ва ниҳоят, экологик хатарлар

янги ишлаб чиқариш объектларини қуриб фойдаланишга топшириш натижасида экологик кўрсаткичларнинг ёмонлашувида акс этади. Импорт ўрнини босиш хатарларининг табиати ва кўлами, асосан, у амалга ошириладиган ишлаб чиқариш босқичи билан белгиланади. Ишлаб чиқариш ва технологик занжирнинг ўёки бу бўғинида импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлиги ишлаб чиқаришни техник ва технологик тайёрлаш учун инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёж ушбу жараёнларнинг мураккаблиги, ускуналарни янгилаш, ходимларнинг малакасини ошириш, бизнес жараёнларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ тегишли лойиҳаларни амалга ошириш зарурати билан белгиланади.

Импорт ўрнини босувчи лойиҳанинг маълум бир тури учун белгиланган таъсир самараси ва хатарларнинг катталигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг мазмуни ишлаб чиқариш ва технологик занжирга жалб қилинган компанияларнинг саноат тавсифи, шунингдек, уларнинг намоён бўлиш даражаси билан белгиланади. Шунга кўра, таклиф қилинган кўрсаткичлар тўпламига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ва тўлдирилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ва технологик занжирлардаги импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш моделини тузишнинг концептуал асоси тизимли ёндашув бўлиб, унга кўра ушбу баҳолаш импорт ўрнини босиш лойиҳаларини амалга оширишнинг асосий жиҳатларини бирлаштиришга имкон берадиган таъсир ва хатар қийматларининг интеграл кўрсаткичларига асосланади [13].

Импорт ўрнини босиш самарасининг интеграл кўрсаткичи қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Simp = \sum Si * Yi$$

Бу ерда:  $S_i$  – ҳар бир импорт ўрнини босиш (иқтисодий, ижтимоий, экологик) самарасининг агрегатлашган қиймати;  $Y_i$  – ҳар бир самара типининг улуш қиймати.

Ўз навбатида, самаранинг ҳар бир типи ўртacha тортилган қиймат сифатида аниқланади. Таъсир самарасининг улуш қиймати мутахассислар томонидан кўриб чиқилаётган импорт ўрнини босиш лойиҳасини амалга оширишнинг мазмuni ва стратегик мақсадларига мувофиқ белгиланади. Ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, мутахассислар таъсир самарасининг намоён бўлиш даражаси – юқори ёки пастлиги борасида хулоса қиласидар. Баҳолаш кўрсаткичлари сифатида уларнинг умумий кўламдаги солиштирма қийматлари ишлатилишини ҳисобга олсан, таъсир самараси интеграл кўрсаткичининг максимал қиймати 1 га teng. Шунинг учун импорт ўрнини босиш таъсири даражасини баҳолаш мезони сифатида қуйидагиларни олиш мумкин:

$0,5 \leq S_{imp} \leq 1$  – таъсир самараси намоён бўлишининг юқори даражаси;

$S_{imp} < 0,5$  – таъсир самараси намоён бўлишининг қуий даражаси.

Юқорида келтириб ўтилган импорт ўрнини босувчи рискларни баҳолаш, шунингдек, ҳақиқий қийматларни уларнинг модель (иқтисодий рисклар учун) ва чегаравий ёки меъёрий (ижтимоий ва экологик рисклар учун) қийматлари билан таққослаш орқали илгари кўрсатилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида эксперт усули ёрдамида амалга оширилади. Бундай таҳлил натижасида мутахассислар ҳар бир риск турининг намоён бўлиш даражаси тўғрисида хуносага келишади. Бунинг учун уч балли баҳолаш шкаласидан фойдаланиш таклиф этилади. Намоён бўлиш эҳтимоли юқори бўлса, 3 балл, ўртача 2 балл, паст бўлса 1 балл берилади. Импорт ўрнини босиш хатарлари даражаси, асосан, саноат ва минтақавий хусусиятлар билан белгиланишини ҳисобга олсан, уни акс эттиришда ҳам улушки коэффициентлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Яъни импорт ўрнини босиш хатар кўрсаткичининг интеграл қиймати унинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик хатарларининг ўртacha тортилган қиймати сифатида аниқланади.

### 5-жадвал

#### Импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш

Таъсир самараси	Хатар (risk)	Умумий тавсиялар
Юқори	Куий	Импорт ўрнини босишни амалга оширишнинг юқори даражада мақсадга мувофиқлиги. Хатарларнинг паст даражаси кўлами юқори баҳоланувчи кутилган таъсир самараси олинишини кафолатлади
	Юқори	Бир вақтнинг ўзида анча юқори баҳолангандан самара олишни кафолатламайдиган юқори хатарли лойиҳа. Импорт ўрнини босишни амалга ошириш мумкин бўлган хатарларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган тақдирда ўзини оқлаши мумкин
Куий	Куий	Импорт ўрнини босиш хатарининг паст даражасига қарамай, кутилаётган таъсирларнинг аҳамиятсизлиги туфайли импорт ўрнини босишни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги жуда паст
	Юқори	Импорт ўрнини босишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки лойиҳанинг салбий оқибатлари хатари юқори бўлса, кутилаётган таъсирларнинг қиймати паст баҳоланади

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Ўз-ўзидан аёнки, риск даражасининг максимал қиймати 3 ва минимал қиймати 1 га teng бўлади. Бундай импорт ўрнини босиш риски даражасини баҳолашда қуйидаги мезонлар қабул қилиниши мумкин:

$1,5 \leq S_{imp} \leq 3$  – юқори хатар даражаси;

$S_{imp} < 1,5$  – хатарнинг паст даражаси.

Импорт ўрнини босиш самараси ва хатарларини ҳисоблаш натижалари импорт ўрнини босишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашга имкон беради. 5-жадвалда кўрсатилгандек, лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини аниқлайдиган тўртта потенциал вазият мавжуд.

**Хулоса ва таклифлар.** Ишлаб чиқариш ва технологик занжир бўғинлари бўйлаб импорт ўрнини босиш таъсири ва хатарларининг декомпозицияси ишлаб чиқаришнинг муайян бир

босқичида уни амалга оширишнинг турли хил варианларини бундай алмаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш муаммосини ҳал қилишга имкон бергани ҳолда, уларнинг шаклланиш унсурларини ўрганишга имкон беради. Минимал риск шароитида катта таъсир самарасини таъмин этувчи лойиҳаларга устуворлик берилади.

Шуни қайд этиш лозимки, ишлаб чиқариш ва технологик жараённинг айрим босқичларида импорт ўрнини босиш самараси ва хатарларининг олинган қийматларини ўрганиш кўриб чиқилаётган соҳада импорт ўрнини босиш стратегиясини амалга оширишнинг чекловчи омилларини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам бирмунча қизиқарли ҳисобланади.

**Қишлоқ хұжалиғи техникаларини ишлаб чиқариш хатарлари ва импорт үрнини босиш самараси**

Таъсир самараси турлари	Күрсаткыч	Күрсаткыч қийматы	Улуши
<b>Самара</b>			
Иқтисодий	Яңгиланған технологиялар ва ускуналарнинг умумий сонидаги улуши	0,7	0,3
	Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида инновацион ва юқори технологияли маҳсулотларнинг улуши	0,7	0,4
	Солиқ ажратмаларининг умумий ҳажмида турли даражадаги бюджетларга импорт үрнини босиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича солиқ тушумларининг улуши	0,7	0,2
	Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида инновацион технологиялар ва уларнинг умумий ҳажмидаги улуши	<b>0,3</b>	<b>0,1</b>
<b>Иқтисодий самаранинг агрегатлашган қиймати</b>			<b>0,66</b>
Ижтимоий	Юқори технологияли ишлаб чиқаришда банд бўлган корхона ходимлари(ахоли)нинг улуши	<b>0,6</b>	<b>0,4</b>
	Ички бозорда маҳаллий маҳсулотларнинг улуши	<b>0,8</b>	<b>0,4</b>
	Импорт үрнини босувчи ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун жалб қилинган меҳнат муҳожирларининг иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонидаги улуши	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>
<b>Ижтимоий самаранинг агрегатлашган қиймати</b>			<b>0,60</b>
Экологик	Энергия тежовчи ва атроф-муҳитни ифлослантирумайдиган технологияларнинг умумий технологиялардаги улуши даражаси	0,2	0,5
	Компания фаолият кўрсаткичларининг экологик меъёрларга мувофиқлиги	0,8	0,5
	Экологик самаранинг агрегатлашган қиймати	0,5	
<b>Хатар(риск)лар</b>			
Иқтисодий	Ишлаб чиқаришни техник ва технологик тайёrlашни амалга ошириш учун инвестиция ресурсларининг етишмаслиги	3	0,5
	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг амалдаги истеъмол тавсифларига мос келмаслиги	2	0,5
<b>Иқтисодий рискнинг агрегатлашган қиймати</b>			<b>2,5</b>
Ижтимоий	Хорижий аналогларга нисбатан ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотлар нархининг юқорилиги	2	1
<b>Ижтимоий рискнинг агрегатлашган қиймати</b>			<b>2</b>
Экологик	Ишлов берилувчи ерлар сифатининг пасайиши	1	1
<b>Экологик рискнинг агрегатлашган қиймати</b>			<b>1</b>

**Манба:** муаллифлар ишланмаси.

Агросаноат мажмуасида импорт үрнини босиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш натижаларини ўрганиш ва танқидий таҳжил қилиш ушбу соҳадаги бир қатор таъсир ва хатарларнинг намоён бўлишини башорат қилишга имкон беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, таъсир самарасининг агрегатлашган қийматларининг салмоғи аниқланди: иқтисодий – 0,5, ижтимоий – 0,4, экологик – 0,1; рисклар учун – мос равишида 0,4, 0,4, 0,2 (6-жадвал).

Шу тариқа импорт үрнини босиш самарасининг интеграл қиймати 0,62 ни ташкил қилади, бу юқори даражада сифатида баҳоланади. Импорт үрнини босиш рискининг интеграл қиймати 2 га тенг, бу ҳам юқори деб баҳоланади. Хатарларнинг юқори даражаси унинг иқтисодий ташкил этувчисига тўғри келади. Ҳисобкитоблар натижаларига кўра, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун уни амалга ошириш рискини камайтиришга, шунингдек, ижтимоий рискларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ мум-

кин бўлган салбий оқибатларни юмшатишига қаратилган чора-тадбирлар тизимини таъминлаш керак, деган хulosага келиш мумкин. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, саноат тармоқларини идентификациялаш ва фасилитациялаш бўйича Ж.Лин ва С.Монг услугиятидан[11] келиб чиқсан ҳолда, қуидагиларни таклиф қиласиз.

Саноат тармоқларини идентификациялаш ва фасилитациялаш бўйича Ж.Лин ва С.Монгларнинг услугияти қуидаги бир нечта қадамларни ўз ичига олади:

1) ҳукуматлар ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиш борасида ўхаш тузилмага эга бўлган ва харид қобилияти паритети бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад 2-2,5 баробар юқори бўлган мамлакатларни танлаши лозим. Шундан сўнг улар сўнгги 20 йил ичидаги ушбу мамлакатларда муваффақиятли ривожланган савдо тармоқларини аниқлаштириши керак бўлади;

2) агар ушбу соҳаларда фаолият юритаётган бир нечта маҳаллий корхоналар мавжуд бўйса, хукуматлар технологик ва бошқа тўсиқларни аниқлаш ва олиб ташлаши ва янги фирмаларнинг мазкур тармоқ ва соҳаларга кириши учун кўпроқ имкониятлар тақдим этиши керак;

3) агар янги соҳаларда фаолият юритаётган маҳаллий фирмалар бўймаса, ҳукуматлар биринчи қадамда кўрсатилган мамлакатлардан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ёки танланган саноат ичидаги корхоналар учун янги инкубация дастурларини ташкил этишига ҳаракат қилиши керак;

4) биринчи қадамда саноатни ривожлантириш борасида кўзда тутилган чора-тадбирлар билан бир қаторда, ҳукуматлар ўз-ўзидан пайдо бўйган хусусий корхоналарга эътибор бериши ва янги соҳаларда муваффақиятли хусусий инновацияларнинг кўпайишини қўллаб-кувватлаши лозим бўлади;

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Азикова С.Г., Бобков Г.А., Сохроков Х.Х. Закономерности формирования, трансформаций и развития АПК. // Управление экономическими системами. 2012. № 39. С. 105.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сонли "Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
5. Нуредеев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. –М.: Норма, 2008. С. 50-55.
6. Lora Eduardo. Structural Reforms in Latin America: What Has Been Reformed and How to Measure It (Updated version). // Inter-American Development Bank Working Paper. 2012. № 346.
7. Лукин В.Н. Разработка методов снижения последствий рисков при инвестировании в корпоративные информационные системы. // Автorefерат дис.... кандидата экономических наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 24 с.
8. Hausmann R., Rodrik D., Velasco A. Growth Diagnostics. In: The Washington Consensus Reconsidered: Towards a New Global Governance. Edited by N. Serra and J.E. Stiglitz. Oxford University Press, 2008, pp. 324-354.
9. Hausmann R., Klinger B. Structural Transformation and Patterns of Comparative Advantage in the Product Space. Center for International Development at Harvard University. CID Working Paper, 2006, no. 128; Hidalgo C.A., Klinger B., Barabasi A.L., Hausmann R. The Product Space Conditions the Development of Nations. Science, 2007, vol. 317, iss. 5837, pp. 482-487. doi: 10.1126/science.1144581.
10. <https://armatorlerbirligi.org.tr/wp-content/uploads/2020/10/UNCTAD-RAPOR.pdf>
11. Lin J., Monga C. et al. DPR Debate: Growth Identification and Facilitation: The Role of the State in the Dynamics of Structural Change. Development Policy Review, 2011, vol. 29, iss. 3, pp. 264-290. doi: 10.1111/j.1467-7679.2011.00534.x.
12. Абдувоҳидов А. и др. Инновацион иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи саноат ишлаб чиқаришларни ташкил этиши масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. № 6. С. 23-33.
13. Тошбоев Б. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсатини амалга ошириш. // Архив научных исследований. 2022. Т. 2. № 1.
14. Абдувоҳидов А.А., Тошбоев Б.Б. Ҳудудда импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш механизми. // Журнал "Инновации в Экономике". 2021. Т. 4. № 10.



### **ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ НАРХЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Рахманов Бекзод Ибрагимович -  
Ўзбекистон Миллий университети ўқит.**

**Аннотация.** Мазкур мақолада сўнгги ўшларда озиқ-овқат хавфсизлигининг пасайши сабаблари, бу омиллар натижасида озиқ-овқат нархлари ошиши ва инқирознинг чуқурлашиши эҳтимолликлари ўрганилган. Охирги даврларда рўй берган конфликтнинг дунёни озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирни кўриб чиқилган. Йиғилган маълумотлардан фойдаланиб, қиёсий таҳлил амалга оширилган, таклиф ва мулоҳазалар берилган.

**Калим сўзлар:** озиқ-овқат хавфсизлиги, нархлар индекси, барқарор озиқ-овқат тизимлари, озиқ-овқат нархлар индекси, иқтисодий ўсиш, санкция, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, таъминот занжирни инқирози, озиқ-овқат инқирози, ижтимоий ҳимоя

5) ривожланмаган инфратузилма ва ноқулай бизнес муҳити мавжуд бўйлан мамлакатларда янгидан ташкил этилаётган фирмалар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг танлаб олинган тармоқларга кириб келиши борасида тўсиқларни бартараф этиш мақсадида маҳсус иқтисодий зоналар ва саноат парклари ташкил этилиши, шунингдек, саноат кластерларини шакллантириш борасида қўллаб-кувватловчи чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим;

6) ҳукуматлар муайян вақт оралиғида танлаб олинган соҳа ва тармоқларда илк фаолиятини бошлиётган корхона ва ташкилотларни солиқ имтиёзлари тақдим этиш орқали қўллаб-кувватлаш, уларга хорижий валюта маблағларидан эркин фойдаланиши, лойиҳаларни биргалиқда молиялаштиришга ҳамиша тайёр туриши лозим.